


Миллатимизнинг мангуликка дахлдор мероси **Бухоро** ва **Хева** шаҳарларининг **2500 йиллик** юбилей тантаналари бошланди. **Бухоро ва Хева дунё тургунча туражак!**



Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ



Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 18 октябрь, шанба № 122 (22.206).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

18 ОКТЯБРЬ — САМАРҚАНД ШАҲРИ КУНИ

Бундан роппа-роса бир йил муқаддам Президентимизнинг таъаббуси билан ушбу кун Самарқанд шаҳри кунини дегълон қилинган эди. Жаҳоннинг гавҳарлари — Бухоро ва Хеванинг 2500 йиллик тўғи тантаналарига бу қутлуг сана ҳам эш бўлди.



Тоҳир НОРҚУЛОВ олган сурат.

Мамлакатимизга ташир буюрган «Бритиш Американ табакко» («БАТ») корпорацияси раиси Урлах Хертер раҳбарлигидаги делегация аъзолари 17 октябрь кунини Бом ваъзир Уткир Султонов билан учрашди. Сухбат чоғида Ўзбекистон билан «БАТ» корпорацияси ўртасидаги ҳамкорлик кўламини кенгайтириш, хусусан, юртимизда ишлаб чиқарилаётган тамаки маҳсулотларини экспортга чиқаришни йўлга қўйиш, бошқа соҳалар бўйича ҳам мустаҳкам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатилиши билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Кувейт давлати миллий ас-

ВАТАН ХАРИТАСИ

самблеяси раисининг ўринбосари Талол Муборак Ал-Айар бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар ваъзир Абдулаъиз Комилов билан учрашди.

Учрашувда меҳмонлар мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ижтимоий ва иқтисодий ислохотлар, хусусан, республикамизнинг хорижий давлатлар билан йўлга қўйилган турли соҳадаги ҳамкорлик алоқалари билан таништирилди.

Тошкентда Туркманистон кино кунлари бўлиб ўтди. Кино мухлислари кейинги йилларда яратилган «Бебурд», «Гроссмейстер», «Уғил» фильмлари билан танишдилар.

Қирғизистон Республикасининг Уш шаҳрида атоқли ўзбек олим, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Бўрибой Аҳмедова халқаро «Мисир» мукофотини топишига бағишланган тантанали маросим бўлди. Ишрик илм-фан ва жамоат арбоби, «Амир Темур» халқаро жағғармисининг раҳбари ўзининг тарихий «Амир Темур» романи учун бу мукофотга сазовор бўлди.

АҚШнинг «Аско» корпорацияси вице-президенти Норман Ли Бойд раҳбарлигидаги бир гуруҳ мутахассислар Қашқадарё вилоятида бўлди. Корпорация билан вилоят ҳокимлиги ўртасида ҳайдов тракторига тиркаладиган мосламалар ишлаб чиқарадиган кўшма корхона тузиши тўғрисида ҳужжат имзоланди. Қўшма корхона Қарши тажриба-таъмирлаш механика заводи негизида барто этилади.



БУХОРО ВА ХЕВА — ЭҒИЗ ҚИСМАТ, ЭҒИЗ ШАРАФ



Бугун кўҳна ва навқирон Бухоро ҳамда Хева шаҳарларининг табаррук 2500 ёшини фахр ва қувонч ҳисларига тўлган ҳолда қарши олмақдамиз. Жаҳон шаҳарсозлик маданиятининг дурдоналарини ўзида жам этган икки эғизак шаҳарларнинг мўътабар юбилеи Ўзбекистонимизда мустақил тараққиёт одимлари дадил олға босаётган даврга тўғри келгани диққатга сазовордир. Адолатли демократик жамият қуришининг Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган ўзига хос йўли ҳаётга муваффақиятли таъбиқ этилмоқда. Жаҳон бозор иқтисодиёти жараёнига кириб боришдаги давр қийинчиликларини сабот билан бартараф этаётган республикамизнинг халқаро майдондаги нуфузи тобора ортиб бормоқда. Юздан ортиқ мамлакатлар билан фаол алоқаларимиз, ҳамкорликнинг турли соҳаларидаги иштирокимиз, умумжаҳон ва минтақавий хавфсизлик, сиёсий, ижтимоий ва экологик масалалар бўйича

қабул қилинаётган халқаро режа ва тadbирлар жаҳон халқларининг эътиборини тортмоқда ва таҳсинга сазовор бўлмоқда. Айни мана шу шароитда қадимий Бухоро ва Хева шаҳарлари 2500 йиллигининг халқаро миқёсда нишонлаши Ўзбекистонимизда сиёсий ва ижтимоий барқарорликнинг самараси сифатида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Қадимги Туронзаминнинг Амударёдек буюк, Зарафшондек ҳаётбахш оби-ҳаёт манбаларининг кўйи оқимида тўқан топган Бухоро ва Хева шаҳарларининг энг қадимий тарихи ҳақида сўз юритилар экан, шуни таъкидлаш жоизки, бу кўҳна масканларнинг қад кутариши миллоддан аввалги II минг йилликнинг охири ва I минг йилликнинг бошларида улкамизда руй берган чуқур ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ва улар замирида шакллана бошлаган илк давлатчилик асосларининг юзага келиши би-

лан узвий боғлиқдир. Бу кўҳна масканларнинг ҳужалик, маданият ва мулоқот марказлари сифатида шакллана бориши, хусусан, уларнинг ички ва ташқи қиёфаларининг тадрижий тараққиётига, бир томондан, дарё адоғининг экологик шароити, иккинчи томондан эса, ҳар икки шаҳарларнинг кенг даштликлар қуршовида жойлашгани ўзининг кучли таъсирини курсатган. Зарафшон водийси ва Амударё этаклари бўйлаб ер-майдонларнинг интенсив узлаштирилиши ҳамда деҳқончилик ва ҳунармандчилик ҳужалиқларининг тобора кенгайиб бориши оқибатида бу икки дарё водийлари бўйлаб миллоддан аввалги VII-VI асрлардаёқ Самарқанд, Насаф, Бухоро ва Хоразм каби қадимги деҳқончилик воҳалари шаклланди. Ут-роқ деҳқончилик ва ҳунармандчилик маданиятининг юксалиш натижасида миллоддан аввалги VII аср бошларидаёқ қадимги



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Нашр индекси: Яқка тартибдаги обуначилар учун — 220
Ташкилотлар учун — 221

ФМТ-1

“Ўзбекистон почтаси” Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обуна сони											
1998 йил учун (ойлар бўйича)											
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Қаерга											
(почта индекси)						(манзилгоҳ)					
Кимга	(Фамилияси, исми ва отасининг исми)										

ФМТ-1

Нашрга етказиш варақаси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш Баҳоиси сўм обуна сони

1998 йил учун (ойлар бўйича)											
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Қаерга											
(почта индекси)						(манзилгоҳ)					
Кимга	(Фамилияси, исми ва отасининг исми)										

ФМТ-1

Нашрга етказиш варақаси

Обунани янги манзилга юбориш Баҳоиси сўм обуна сони

1998 йил учун (ойлар бўйича)											
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Қаерга											
(почта индекси)						(манзилгоҳ)					
Кимга	(Фамилияси, исми ва отасининг исми)										

(Давоми 2-бетда).

Партия ахбороти

Ўзбекистон ХДП Миробод туман кенгаши йиғилишида тумандаги бошлангич ва худудий партия ташкилотлари котиблари ва фаоллар иштирок этди. — Мазкур йиғилишдаги асосий масала 1998 йилга партия-миз наشرлари — «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» ва «Мулоқот» журна-лига обунани уюш-қоқлик билан ташкил этиш, — деди туман партия кенгаши биринчи котиби Раиса Кучшева. Шундан сунг, йиғилишда бевосита иштирок этган

Кун тартибида — ОБУНА

партия наشرларининг вақиларига сўз берилди. Журналистлар келгуси йилда ҳам газета ва журналларда ранг-баранг мақолалар, тарих, маънавият ва маъри-фатга оид материал-лар берилаётган, партиядошлар ҳаёти, уларнинг тажрибаси-га кенг эътибор қаратилишини билди-ришди. Ижодкорлар билан мулоқотда партия-миз фаоллари ўз истак ва талаблар-ини айтишди. Улар бошлангич партия ташкилотлари иши, тажрибасини еритиш мақсадга мувофиқ-дир, дейишди.

Туман кенгашининг биринчи котиби ҳар душанба кунни бош-лангич ташкилот котиблари обунанинг бориши ҳақида ахборот бериб тури-шини, партия-мизнинг марказий наشرлари ишда қумқадош булаётгани, уни қўллаб-қувватлаш лозимлигини гапирди ва Мирободда обуна мавсуми уюшқоқлик билан утади, деб ишонч билдирди.

Партиядошлар шу кунни Ўзбекистон ХДП ташкил топганлиги-нинг 6 йиллигига тайёргарлик, партия сафини янги аъзолар билан тўлдириб бориш ва партия иқтисодий аҳолини мустаҳкамлаш, бу борада қатъий инти-зом бўлиши ҳақида ҳам келишиб олди. Эркин ЭСИРГАДИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда)

робдиз номлари билан юритилган. Бухоронинг кўна шаҳар қисмида етти жойда кенг куламада археологик қазилар амалга оширилди. Жумладан, Бухоро арқиди, музей қўриқхонаси Зиндон ёнида, Тоқи Заргон, Абдуллахон ва Абдула-зизхон тимида Мирабаб мадрасалари яқинида, шунингдек саройи Қози Ка-лон, Хавзи Қози Калон ва Қатагон маҳаллаларида археолого-топографияк тадқиқотлар ўтказилди. Деярли барча қазилма иш-лари турли майдонларда Бухоронинг қадимги дарё-вот ичида ботқоқлик усти-да ҳосил бўлган илк руйи-заминига қовлаб очил-ди. Ҳозирги Бухоро шаҳри қад кўтармасдан аввал юзага келган бу гуша қат-ламлари ранги ва тарки-би жиҳатдан бир-биридан кескин ажралиб турарди. Улар аҳоли томонидан ха-ли ушлаштирилмаган узоқ ўтмишда бўлажак шаҳар-нинг урни ва атрофининг табиий манзарасини на-мойиш қилади. Бу табиий манзара X аср Бухоро муаррихи Муҳаммад Нар-шахийнинг «Бухоро ўр-нашган мавзе илгари бот-қоқлик бўлиб, унинг баъзи ерларини тўқайзор, да-рархзор ва кукаламзорлар ташкил этган» дегуви та-рихий маълумотини тула тасдиқлади.

Бухоронинг бу қадимий муқаддас тупроғи устида асрлар давомида ниҳоят-да қалин маданий қатлам вужудга келган. Унинг қалинлиги 20 метрдан ошқоқ деб ҳулоса чиқари-ши мумкин. Унинг остки қатларига мансуб топи-лмаларнинг энг қадимийи милоддан аввалги бирин-чи минг йилликнинг урта-ларига дахлдор. Моддий маданият қолдиқлари ора-сида 15,5 метр ҳамда 18,5 метр чуқурликда очилган қадимги шаҳар деворлари қолдиқларининг топилиши Бухоро тарихини урганиш-да, айниқса, унинг ёшани белгилашда қимматли

ашёвий далил бўлди. Чун-ки қалин маданий қатлам остида қайд этилган милоддан аввалги IV аср-га мансуб бу нодир ша-ҳарсозлик иншоотларини-нг қолдиқлари Бухоро қадимданок мудофаа девор-лари билан уралган ҳақи-қий шаҳар, хунармандчи-лик маскани эканини ис-ботловчи асосий белги ҳи-سوبланади. Бухоро ва Хева шаҳар-



ларининг барпо бўлиши шак-шубҳасиз ҳеч қачон биқик ҳолда содир бўлма-ди. Аксинча, улар Хоразм ва Бухоро воҳаларининг ушлаштирилиб, обод эти-лиши ҳамда бу икки воҳа-лар буйлаб урбанизация-лашган деҳқончилик киш-лоқлари ва истеҳкомсиз турар жойларнинг, кейин-роқ эса, куплаб қаср ва қалъаларнинг қад кўтариб, деҳқончилик воҳалари буйлаб жадал кенгайиб бориши билан узвий бо-лиқдир. Бундай турдаги моддий-маданият обид-алари Бухоро воҳасининг шимолий ва шимоли-ғарбий худудларида топилиб урганлиди. Масалан, Ко-нимех ва Қалқонота агро-фида қайд этилган милоддан аввалги VI-V асрларга оид истеҳкомли кишлоқлар ва мазор қўр-гонлар, шунингдек, Варах-шадан ғарбда тадқиқ этил-ган ва майдони ярим ге-ктаргача бўлган турар жойлар ҳамда йирик қом-ғишт ва пахсадан бино қи-лингандан ортиқ диз-калталар ва қасрларнинг тепа шаклидаги харобала-ри ва қолдиқлари шулар жумласидандир. VI-V аср-ларда Зарафшон водийси-да бошланган урбаниза-ция жараёни, айниқса, IV-

III асрларда янада жадал-лашган. Бунга шубҳасиз македониялик Искандар бошқик юнонларнинг Су-ғд ерларига бостириб ки-риши ва унинг оқибатла-ри кучли таъсир курсатди. Суз Бухоро ва Хева ша-ҳарларининг пайдо бўли-ши ва уларда кечган ур-банистик жараёнлар ҳақи-да борар экан, бу эгизак

шоотлари, сув йўллари — тазарлар, қувурлар, қудуқ-лар ва ҳ.к.) мансуб қол-диқлар ҳамда шаҳар ху-нармандчилигининг турли соҳаларига оид бои топи-лмалар диққатга сазовор-дир. Шубҳасиз, бундай то-пилмалар шаҳарнинг тад-рижий тараққиёт босқич-ларию даражоти, унинг маданий-маънавий ҳаёти,

муқаддас китоб «Авес-та»да Ахурамазданинг буюк қувончига сазовор деб таърифланган деҳқон-чиликнинг улуглинига ҳу-хтаб ўтиш уриналиди. Бу тўғрида «Авеста»нинг «Ви-деват» китобида бундай ёзилади: (...қайдаки тақ-водор инсон... уй курса, қайдаки одам мўл-қул дон, усимлик ва мева-чева етиштирса, қақроқ ерни сувга қондириб, серсув ер-

Бухоро ва Хева каби ша-ҳарлар деҳқончилик воҳа-ларининг марказига айла-ниб, уларда йирик меъмо-рий ансамбллар қад кў-тарган. Узига хос меъмо-рчилик мактаблари ташкил топган.

Сугорма деҳқончилик ва ирригация соҳасида аср-лар оша тўпланган импе-рик билимлар, давлат аҳа-мияти касб этган сув хў-жалигини юритиш анъана-лари, шаҳар қурилиши ва хунармандчилик ҳамда меъморчиликнинг тарақ-қибтидаги эҳтиёжлар асо-сида Бухоро ва Хева ша-ҳарларида илм-фан юкса-либ, илк ўрта асрлардаёқ юқори даражага кўтарил-ган. Бу икки эгизак шаҳар-лар дёйримизнинг илмий, маърифий ва маънавий марказига айланган. Улар-дан Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Наршахий, За-махшарий ва Исмоил Бу-хорий каби инсониятнинг буюк алломалари етишиб чиқиб, жаҳон илму фани-нинг ривожига улкан ҳи-са қўшган.

Хуллас, Бухоро ва Хева шаҳарлари жаҳон урба-нистик тизимига уларнинг ҳар бири ўзига хос меъморчилик мактаби, шаҳарсозликнинг аҳойиб анъаналари ва маънавия-ти билан кириб борган. Бу эгизак шаҳарлар жаҳон-нинг илк урбанистик ўчоқ-лари бўлиши Миср ва Ме-сопотамиядаги шаҳар-дав-латлар шаклидан фарқли улароқ, бутун-бутун деҳ-қончилик воҳаларида юза-га келган минтақавий дав-латчилик марказлари си-фатида пайдо бўлган. Бу шаҳарларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий та-рихини чуқур ва атрофли-ча урганиш жаҳон тарихи-нинг муҳим муаммолари-ни объектив ёритишга хизмат қилади, деган умиддамиз.

Абдулаҳад МУҲАММАДЖОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг вице-президенти.


БУХОРО ВА ХЕВА — ЭГИЗ ҚИСМАТ, ЭГИЗ ШАРАФ

масканларнинг тарихи, тақдири, ҳатто, қисмати ҳам бир-бирига ухшаб ке-тишини эътироф этмоқ ке-рак. Чунки илк бор қад кў-лардан узининг қадимий жойидан бир неча бор силжиган Самарқанд, Тер-миз, Тошкент ва Қарши шаҳарларидан фарқли улароқ Бухоро ва Хева, гарчи жамики тарихий фа-локатлар ва фожеаларни бошидан кечириб, ҳатто 1220-1221 йилларда Чин-тихон қўшинлари томони-дан батамом ер билан яқ-сон қилиб ташланган бўл-са-да, маълум муддатдан сунг, улар ўз урнида яна қаддини қайта ростлай бошлаган. Шаҳарларнинг шундай қисмати оқибати-да ҳосил бўлган қалин ма-даний қатламлар ўз ба-рида утмиш изларини аср-лар оша бизгача сақлаб келган. Бу қатламлар қаъридаги моддий мада-ния қолдиқлари эса ҳо-зирги кунда тадқиқотчилар учун Бухоро ҳамда Хева шаҳарларининг узоқ ўтми-шини ёритиб берадиган асосий тарихий манбага айланган. Моддий мада-ния қолдиқлари орасида, айниқса турли даврларда шаҳарнинг тарихий топо-графиясига (мудофаа ин-

ички ва ташқи алоқалари ҳақида тарихан асослан-ган равишда сўз юритиш имконини беради. Бухоро ва Хоразм воҳа-ларида кенг куламада ўт-казилган археологик тад-қиқотлар, ёзма маълумот-ларнинг чуқур таҳлили шу-ни курсатдики, улқамиз-да урбанистик масканлар-нинг пайдо бўлиши дарё водийлари, хусусан, унинг адоқларида аҳолининг му-қим ўтроқлашуви, деҳқон-чилик ва чорвачилик ҳўжа-ликларининг тараққиёти билан боғлиқ ҳолда кечган. Бу икки шарофатли ҳўжа-ликларнинг барокати ту-файли, аввал урғи аймоқ-лар, элат ва қишлоқ жа-моалари, сунгра эса, ша-ҳар ва воҳалар ҳамда худ-удлари бир-бирига туташ-шиб кетган узоқ-яқин қў-шни юртлар ўртасида айир-бош савдо алоқалари қар-рор топиб, тобора кен-гайиб борган. Мамлакат-лараро қарвон йўллари муқимлашган. Деҳқончи-ликка бўлган эътиқод ор-тиб меҳнат улугланган ва тарғиб этилган. Шу муно-сабат билан милоддан аввалги II минг йиллик охири ва I минг йиллик бошларида Туронзамин тупроғида бунёд бўлган

нинг сизотини қочирса, кимки... сидқидилдан ер-га ишлов берса, бундай одам ернинг неъматини қупайтиради... Бундай одамга (муқаддас) ер шун-дай дейди: «Эй, мени ўн-гу сул, сулу ўнғ қўлларни билан эркалаётган одам, мен сен учун чиндан ҳам чарчамай фаровонлик, тўқлик ва неъматлар бер-гайман, мўл-қул ҳосил билан сени қувонтиргайман. Ким менга дон сочса, у адолат ва тақво уругини сочгандек савобга доҳил-дир». Эътироф этилган-дек қадим-қадимдан Вата-нимизда ерга бўлган, деҳ-қончиликка бўлган эътиқод ниҳоятда кучлидир. Ота-бобларимиз тангри номи билан ерга дон сочиб, куч-чат ўтказган ва боғу бую-тонлар яратган.

Сув иншоотларига асо-сланган сугорма деҳқончи-лик маданиятининг жадал ривожланиши Хоразм ер-лари ва Зарафшон во-дийсида қадимда «кат, каш, кеш ва кас» атама-лари билан юритилган қишлоқларнинг шаҳар қиё-фасига кириб, шаҳарлар-да хунармандчилик тар-моқларининг марказлашу-вига олиб келган. Уларда турли-туман хунармандчи-лик маҳаллалари, қуй ва гузарлар пайдо бўлган.



Равиль АЛИБЕКОВ олган сурат.

Қўшимча 1500 тонна Пахта-97

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Оллоберган Халимбетов раислик қилаётган Амударё туманидаги «Оқолтин» жамоа ҳўжалиги пахта тайёрлаш режасини ошириб бажарди. 1155 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 26 центнердан ҳосил кўтарилиб, давлатга 3000 тоннадан қупроқ пахта етказиб берилди. Теримчилар яна 1500 тонна қўшимча ҳосил кўтаришга аҳд қилишган.

Рейнбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Янги хирмонлар

Навий туманидаги «Ўзбекистон» жамоа ҳўжалиги пахтакорлари эл хирмониға 3230 тонна «оқ-олтин» армугон этиб, йиллик режани вилоятда бирин-чи бўлиб бажардилар. Шунингдек, Ш. Рашидов номи ҳўжалик деҳқонлари ҳам 2200 тонналик хирмон уйиб, зафар маррасига етдилар. Мажбурият ҳисобига пахта топшираётган бу ҳўжалик деҳқонлари ҳосилдорликни гектар боғига 40 центнерга етказишмоқчи.

Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

1995 йилнинг 26 июлида қайта ташкил этилган хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш Республика фонди — Бизнес-Фонд ҳам ўзининг икки йиллик фаолияти давомида тилга олмиш-га арзийдиган натижаларга эришти. Қуйида Сизга махсус мухбиримиз Ҳамид Икромов-нинг ана шу хусусда Бизнес-Фонд бошқаруви раи-сининг биринчи ўринбосари Собир Комилович УМИ-ДОВ билан қилган сўхбатини эътиборингизга ҳавола этаямиз.

— Собир Комилович, маълумки, тадбиркорлик ҳа-ракати биз ўйлаганча осон эмас экан. Президентимиз ва ҳукумат ана шу ҳаракатга кат-та умид билдириб, ўз вақти-да ислохотларни жадаллаш-тиришда жуда муҳим қарор қабул қилганининг, бу ҳара-катнинг айрим натижаларини бугун кўриб, ҳис этиб қуво-наямиз. Сиз тадбиркорлар-ни молиявий жиҳатдан қўл-лаб-қувватловчи сифатида улар билан мулоқотларда бў-ласиз. Сизнингча, мана шу жараёнинг, яъни тадбиркор-лик ҳаракатининг бугунги на-тижалари қандай?

— Бугун Ўзбекистонда 111 минг тадбиркор ана шундай ният билан майдонга чиқди. 20 минг-дан зиёд деҳқон-фермер иш олиб бормоқда. Бу — жуда катта куч! Улар 23 миллионли Ўзбеки-стон аҳолисининг фаровон эрта-сини яратишга киришдилар. Уларга давлатимиз томонидан барча керакли ёрдам қўрсати-моқда. Орадан утган давр мо-байнида тадбиркорларнинг икки ярим минг лойиҳаси учун 3 млрд. сўмдан ортироқ сармоя маб-лағи ажратилди.

1995 йилнинг 1 августидан 1997 йилнинг 1 сентябрга-ча бўлган даврда ажратилган кре-дитлар таҳлили шуни курсатди-ки, маблағларнинг 70 фоиздан ортиги республика кишлок инф-ратузилмасини ривожлантириш-га йўналтирилди. Ҳозирги кунда Бизнес-Фонддан кредит олган, ўз лойиҳаларини

амалга ошираётган корхоналар-да 15654 та янги ишчи уринла-ри ташкил этилди. 1997 йилни-нг иккинчи ярим йиллигида яна қўшимча 1800 ишчи уринлари-ни яратиш кўзда тутилмоқда. Бу курсаткичларни 1998 йилда 5353 та ишчи уринларига, 1999 йил-да 6069 та ишчи уринларига, 2000 йилга келиб эса 8978 та ишчи уринларига етказиш режа-лаштирилмоқда. Утган давр орасида Бизнес-Фонддан қарз олган корхоналар томонидан 3 млрд. сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарил-ди ва турли хизматлар курсат-тилди. 1997 йилнинг иккинчи яр-мида эса 3,1 млрд. сўмлик маҳ-сулот ишлаб чиқариш қутилмоқ-да. 1998 йилда 5,7 млрд. сўм-лик, 1999 йилда 5,8 млрд. сўм-лик ва 2000 йилда эса 7,5 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чи-қаришга эришиш мўлжалланмоқ-да.

Бизнес-Фонд фаолиятининг дастлабки даврида у қайта таш-кил этилгунга қадар ҳосил бўл-ган кредитларнинг қайтмаслиги ва собиқ фонд зарарларини қоп-лаш масаласи энг мураккаб ма-сала эди. Бизнес-Фонд қайта ташкил этилгунга қадар 193 лойиҳага 245,8 млн. сўм маблағ 1 йиллик муддат билан йилга 100—150 фоизларда ажратилди. 1997 йилнинг 1 сентябрга кели-б улардан 138 млн. сўми қайтарилди. 193 қарздорнинг 69 таси кредитлар буйича 63,3 млн. сўмлик қарзларни тулиқ қайтар-дилар. 72 қарздор буйича 1996 йилнинг 1 январидан бошлаб

фоиз ставкалари 35 фоизга қа-дар камайтирилди, улардан 15 лойиҳа буйича Бизнес-Фонд бошқарувининг қарорига қура кредит муддати 1 йилдан 3 йил-гача пролонгация қилинди (узайтирилди). Мен шуни алоҳида таъкид-лашни истардимки, биз бугун халқ ҳўжалигини ривожланти-ришининг устувор йўналишлари-га маблағлар ажратаямиз. Майли, биздан маблағ олган тадбиркорлар сони кам бўлсин, лекин улар маблағни берекли ишга, лойиҳада қўрсатилган

этайтган лойиҳаларнинг бўшлиғи, сифатсизлиғи туфайли содир бўлмоқда. Бу уринда биргина Шўрчи туманидаги «Элбёк» ху-сусий савдо ишлаб чиқариш кор-хонаси билан Бизнес-Фонд ўрта-сидаги келишмовчиликни айтиб ўтиш қифойдир. Тадбиркорлар янги меъёрий ҳўжатларни изчил ўрганиб борганида эди, ўз фао-лиятини белгиланган тартиб ва қоидаларга риоя этган ҳолда олиб боришганда бугунгидек му-нозараларга, баҳсларга урин қол-маган бўларди. — Сиз молия муассасалари

ТАДБИРКОРГА ЭЪТИБОР

асосий мақсадларга ишлатсин-лар. Ана шундагина қўзланган мақсадга эришилади. — Шу ўринда бир савол ту-ғилади. Сиз айтган 111 минг тадбиркорнинг ҳамма-си ҳам ҳалолмикан? Сохта «тадбиркорлар», давлат аж-ратаётган маблағларни бош-ка мақсадларга ишлатиб юбораётган кимсалар ҳам йўқ эмас-ку?!

— Минг афсуски, сиз айтиб ўтганингиздек, улар умумий ишимизга ҳалал бермоқдалар. Халқимиз ута меҳнаткаш, са-мимий. Халқнинг фаровонлиги-ни юксалтиришга деб берил-ган маблағларни ўзининг гайри-қонуний мақсадлари йу-лида фойдаланишни ният қил-ган кимсалар ҳам йўқ эмас. Улар ҳукуматимиз томонидан қўйлаётган бугунги талаблар моҳиятини англаб етмайптилар. Натижада молия муассасалари ҳамда бундай тадбиркорлар ўр-тасида турли низолар, келиш-мовчиликлар, қанчадан-қанча сарсонгарчиликлар юзага кел-моқда. Бундай ҳолатлар тадбиркор-лар томонидан мавжуд ҳўжат-ларни мукамал урганмаслик, улар тайёрлаб бизга тақдим

томонидан берилаётган кре-дит маблағларининг мақсад-сиз ишлатилиши ҳақида эс-латиб ўтдингиз. Ахир, бу дав-лат маблағи-ку. — Ҳа, юқориди айтиб ўтдим, ажратилаётган маблағ давлатни-ки! Уни тадбиркор мамлақати-мизнинг ривожланиши йўлида, бу ривожланишининг белгиланган ус-тувор йўналишлари йўлида иш-латилиши керак. Давлатнинг маб-лағи тадбиркорнинг молия муас-сасалари, сугурта агентликлари, жойлардаги маҳаллий ҳокимлик-лар томонидан мақбул, деб то-пилган лойиҳаларини амалга оширишга хизмат қилиши шарт. Бу доимо назорат қилиб бори-лади. Жумладан, Бизнес-Фонд ҳам ўзи ажратаётган маблағлар-нинг мақсадли ишлатилишини мунтазам, қатъий назорат қилиб бормоқда. Берган кредитларимиз асосан шу мақсад йўлида хиз-мат қилмоқда.

Менимча, кредитдан мақсадли фойдаланиш деган тушунча бир-оз узгартириш киритиш мавру-ди келганлигини бугунги кунимиз курсатиб турибди. Масалан, дейлик, тадбиркор тегиримон қу-раман, деб 1 млн. сўм кредит олди. Шунинг 700 мингига те-гиримон қурди, 100 мингига ус-

Ўзгаришлар шабадаси

ИСТЕЪДОДЛАР ЎЛКАСИ

Тошкентда Улугбек номи-ли истеъдодли ёшларни қўллаш Ўзбекистон жам-гармаси томонидан ўтқа-зилган республика иждо-кор ёшларининг «Истеъ-додлар улқасидир хур Ўзбекистон» фестивали якунланди. Унда 10 ёшдан 25 ёшгача бўлганлар ада-биёт ва мусиқий санъатга доир сара асарлари билан қатнашишди. Танлов го-либлари мукофотландилар.

Малик МАНСУР.

«ОХЛАР» МЕҲНАТКАШЛАРИНИ ЧОРЛАЙДИ

Инсон манфаатлари йи-лида Денов туманидаги С. Раҳимов номи жамоа ҳў-жалиги меҳнаткашлари ҳаётида яна бир қувончли воқеа юз берди. Ҳўжалик марказида қишда 250, ё-да эса 700 кишига мўл-жалланган янги «Охлар» чойхонаси фойдаланишга топширилди. Мазкур чойхонани барпо этишда 3 миллион сўм маблағ сар-фланди. Бу ерда байрам ва турли тадбирларни ҳам ўтказиш мумкин.

— Биз халқимизга яхши шариот яратиб берсак, шундагина ишимизда унм ва барака бўлади, — дейди ҳўжалик раҳбари, Ўзбекистон Қажрамони ИБ-роҳим Файзуллоев. — Ма-на, гапла топшириш йил-лик режамизни 120 фоизга удаладиқ. Яқинда эса «оқ олтин» довоми ҳам эғалланди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ.

ДАРҒОМ ШУНҚОРИНИНГ СИЙМОСИ

Яқинда Пастдарғом тумани Салим Маллаев номи жамоа ҳўжали-гида машур пахтакор Салим Маллаев хоти-расини абадийлашти-риш мақсадида ёдгор-лик бюстининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Ёдгорлик бюстини мусаввир Турсунқул Шоймардонов ишла-ган.

Ўткир ПУЛАТОВ.

АБОНЕМЕНТНИ Тўғри тўлдириганингизни текширинг!

Абонемента касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт. Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштириганингизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпели босилиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганига пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштириганингизда карточкаларни сиёҳ билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоидаларга риоя қилиб тўлдириг.

ПОКИЗА ТУТ ҲАР ДАМ ИШҚ-МУҲАББАТНИ

Шеър ва шуур

Бош муҳаррир
Азим СУЙОН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салом АШУРОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбоё ШАКАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Виктор ЗВЕРЕВ
(бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»)
Алимкул СУЛТОНОВ
(масъул котиб — «Узбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎПИМЛАР:

Мафсура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Халқаро ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
Факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИПОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаришда — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛНИМЗ:

700000,
ТОШКЕНТ,
МАТБУОТЧИЛАР КУЧАСИ, 32-УЙ.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.

Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси,
41-уй.

Набатчи муҳаррир
Қ. ЭШИМТОВА,
набатчи
Э. ЭСИРГАДИЕВ.

Рўйхатдан ўттиш тартиби №00120

Газета офсет усулида, А-2 форматда, 21 619 нускада босилади.

Ҳажми 2 босма табоқ

«Узбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0654

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топшириш — 20.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Шеърингта меҳр ва ҳавас ёш ҳам, касб ҳам танламайди. Кўнгли ҳуши учун шеър ёзиб, кўйин дафтарида сақлаб юрадиган кекса академиклари ҳам, ёш меъмور усталари ҳам биламан. Айниқса тиббиёт аҳли ичида ушбу санъатга муҳаббат кучли. Нега? Менимча, бунинг бош сабаби тиббиётнинг инсон руҳиятига яқинлигидир. Ҳақиқий шифокор аввало бемор юрагига йўл толади, унда хасталикни енгишига ишонч ва ирода ҳосил қилади. Бу ишда унга суз сеҳри ёрдамга келади ва у қалбдан шонга айланади.

Абдулла Шоносиров нафақат моҳир шифокор, балки тиббиёт соҳасининг кўзга кўринган ташкилотчиларидан бири ҳамдир. Мен бу дилкаш ва меҳрли инсонни кўздан бери танийман ва яхши биламан. Лекин дустимизнинг шеърлар ёзишини билмас эканман. Яқинда бир неча рубойларини кўздан кечириб хурсанд бўлдим.

Шифокорнинг шеър ёзиши фақат узи учунгина, кўнгли овуңгои ва заки учунгина эмас. Шифокорда кишиларга таъсир этиш, «қотириш» қобилияти кучли бўлади, агар бизнинг бу узагиришлар даврида, моддий неъматга, бойлик ва хашамга ружу ортиб бораётган замонда шифокорларимиз даволаш баробарида одамлар калбига эзулик ва нафосат уруғини солишга хизмат қилаётган эканлар, уларга яна бир бор ташаққурлар айтмоқ керак.

Мен Абдулла Шоносировга ҳамда барча шифокор шоирларга савобли ва шарафли касбларида муваффақият ҳамда илҳом онларида юксак парвозлар тилайман.
Эркин ВОҲИДОВ.

Қошу-қўзларинг ўзи бир дунё,
Тотлидир гунча лабларинг боли.
Худойим сени яратмиш нўё,
Бор гўзалликнинг танҳо тимсоли.

Сени ҳар доим кўргим келади,
Кетмасам дейман ёнингдан йироқ.
Севинган қалблар ўзи билади,
Қанчалик оғир жафодир фироқ.

Унутма бу кунларни маликам,
Ёдингга қолсин ҳар дақиқаси,
Ўтиб ойу-йиллар, эҳтиб, дейлик биз,
Кетсанг арзир, у кунлар садағаси.

Учмагин сен ҳеч вақт беҳуда мақтовларга
Камтарин бўл, берилмагил кибру-ҳовога

Меҳнатдан қочма ҳеч, қўшилима ялқовларга
Чалинма манманликдек дарди бедавога.

Темир қанча бўлмасин қаттиқ-муштақкам
Занг анинг умрига мудом битган завоқим
Севсанг, севилган бўлсанг агар чинакам
Бевафалик қилма, у ҳам бир занг мисолдир.

Покиза тут ҳар дам ишқу муҳаббатингни
Дарз кетказма вафо кўрғони деворинга
Ўйлаб иш қил, тийгин мудом хирсу-нафингни
Софдил, ҳаққўй бўл, кирма ишрат бозорига.

Севганинга сен магар қилсанг хиёнат
Жавоб бергайсан ору-виждонинг билан
Ватанинга гар сен қилсанг хиёнат
Билгил, қилмишинг юварсан қонинг билан.

Қадрига етгил туғилиб ўсан юртингни,
Айрилмагин ҳеч ҳам ўз қадрдон халқингдан.
Ҳимоя қилгин, ўта фарзандлик бурчингни,
Ўз халқинг ватанингни гар севсанг чиндан

Эй фалак, ўзинг қилгин мени оғоҳ,
Қадоқатсиз дўсту бевафо ёрлан,
Тақдир ҳатто бирин қилса менга ҳамроҳ,
Рози бўлурмен кечинга ширин жовдан.

Лаганбардордан дўст чиқмағай асло,
Давлатинг амалинг шайдосидир у,
Гар кетса сендан иккиси ҳам мободо,
Танимас сени келса ҳамки рўбару.

Пул билан ўлчама ҳеч, қилган саховатингни,
Мақтанмагин сен асло берган ёрдаминг санаб.
Озор берма бировга, ўйлаб гапир сўзингни
Хурмат қил ўзгаларни, бўлмагин иззатталаб.

Абдулла ШОНОСИРОВ.

Vatanni sevmak iymondandur!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси


1997-йил 18 октябр, шанба № 122 (22.206).

Газета 1918-йил 21-йундан чиқиб бoshлаган

МАЪЛУМОТ УЧУН
ТЕЛЕФОНЛАР

ТОШКЕНТ Тел.: 45 13 57
САМАРҚАНД Тел.: 22 57 69
БУХОРО Тел.: 22 89 98
АНДИЖОН Тел.: 26 52 94
НАМАНГАН Тел.: 6 42 61
МАРҒИЛОН Тел.: 37 19 96
УРҒАНЧ Тел.: 556 75;
651 43

Тажрибали дистрибьюторлар таклиф этилади



Coca-Cola Bottlers Tashkent Ltd.

«АКАТЕКС ТЕКСТИЛЬ САНОАТ ВА ТИЖОРАТ ЛТД» ҚЎШМА КОРХОНА-СИ ПОЛИПРОПИЛЕН УН ҚОПЛАРИНИ (50 кг) ва СЕЙФЛАРИНИ пул ўтказиш йўли билан СОТАДИ
Манзилгоҳ: Тошкент, Гоголь кўчаси, Марказ 1, 38-уй, 187-хонадон.
Мўлжал: «Электроника» магазини. Телефон: (3712) 133-40-07.

Спорт

ОЛТИНЧИ УЧРАШУВ

Бугун «Пахтакор» марказий уйингоҳида жаҳон футбол чемпионатининг навбатдаги саралаш учрашуви бўлади. Осиё минтақасидаги иккинчи босқич учрашувларини давом эттираётган мамлакатимиз терма жамоаси бу сафар Корея футболчилари билан куч синашади. Гарчанд футболчиларимиз Парижга бериладиган йўланмадан умидларини узган бўлсалар-да, маҳорат ва тажриба мактаби маъносидан учрашув қизиқари тус олиши кутилмоқда. Қолган икки учрашувдан бирини йигитларимиз ўз майдонларида Козогистон, сунгисини сафарда БАА жамоаси билан ўтказадилар.

Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги «Гулоз» хусусий корхонаси
ТУГАТИЛАДИ
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мuddат ичида қабул қилинади.
Телефон: 47-25-69.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни жамоаси концерн бош директорининг ўринбосари В. А. Чекарёвга қайноғаси
Михаил Федорович ПРОКОФЬЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изхор этади.

Тошкент Кимё — технология институти ректорати ва фундаментал фанлар факультети жамоаси «Кимё-технологиясининг механика асослари» кафедрасининг катта уқувчи Фахриддин Зияевга падари бузуқвор
БАДРИДДИН отанинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изхор этади.

ADVERTISING FOR OSIFCO CHEVENING SCHOLARSHIPS 1998-1999

The Soros Foundation welcomes applications from citizens of Uzbekistan for the following scholarships, funded by Open society institute and Foreign and Commonwealth Office.

1. Nine-month scholarships for postgraduate research at Oxford University. Awards may be held for study in the Humanities, Social Sciences, Environmental Sciences or public health/policy related areas of Medical Sciences. Scholars may not normally be able to register for the University's Diploma in Jewish studies or MSc in Environmental Change and Management (12 months)

2. One twelve-month scholarships at York University for an MA in Political Philosophy (the idea of Political Toleration)

3. Three month scholarships for study in Applied Social Studies at Oxford University for persons working for governmental of public bodies, who wish to carry out a research projects on a topic of direct relevance to the development or functioning of that body.

All scholarships will cover university fees and basic living expenses for one person. Travel to and from the UK is also paid.

Applications should have excellent academic qualifications, a clear and precise study proposals and fluent command of English language.

Application forms and further details are available from:
Soros Foundation Ileva street 41 Tashkent 700100
tel: (3712) 55-61-60, 40-68-54, 54-82-43
Completed applications must be returned to this address not later than 1 December.